
Қуваликлар пилла ҳосилини териб олишга киришди.

Жорий йилда Қува туманида 3164 қути ипак қурти уруғи парваришланади. Бу 183 тоннадан зиёд пилла ҳосилини етиштириш имкониятини беради. Шу мақсадда 2617 нафардан ортиқ аҳоли мавсумий ишларга жалб этилди. Бугун туманда пилланинг илк ҳосилини йиғиштиришга киришилди.

Қува туманида ипак қурти парваришlashда узоқ йиллардан буён илғорлик қилиб келаётган Пастки Ҳонобод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Матлубахон ая Исақованинг ҳиссаси катта. Моҳир пиллакор жорий йилда ҳам ҳосил теримига биринчилардан бўлиб киришди.

Матлубахон ая бу йил 2 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 100 кг гача ҳосил олмоқда.

Бу борада ушбу маҳалладаги 76 ёшли Жамилахон ая Орипова ҳам ёшлардан қолишмай илғорлик қилмоқда. Жамилахон ая ҳам 2 қути қурт уруғи парваришлаб, ҳосилни йиғишга киришди. Пиллакор маррани катта олган. Хар қутидан 100 килограммгача ҳосил олишни режалаштирган.

2023-05-08 11:27:17